Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TÚRKISTAN

Жанубий Қозоғистон

janubiy.kz

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2024 йил 11 июль, пайшанба, №74 (3420).

БИЗКИМ, МУЛКИ ТУРОН...

ҚР ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ НОРАСМИЙ САММИТИДА ҚАНДАЙ МАСАЛАЛАРНИ КЎТАРДИ?

Давлат раҳбари ўз нутқида, биринчи навбатда, саммитнинг "Транспорт, коммуникация ва иқлим ўзгаришини назорат қилиш орқали барқарор келажак яратиш" мавзуси бутун мамлакат манфаатларини ифодалашини таъкидлади.

Шунингдек, у мазкур учрашув туркий мамлакатлар фаровонлигига қаратилгани, тараққиётнинг янги йўналишларини белгилаб бериши, қардошлик ришталарини мустаҳкамлаши ва минтақада барқарорликни таъминлашга хизмат қилаётганига эътибор қаратди.

Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг сўзларига кўра, Қозоғистон Туркий давлатлар ташкилотининг амалдаги раиси сифатидаги фаолияти имкон қадар самарали бўлишини истайди.

– Ташкилотнинг халқаро мақомини оширишга ҳаракат қиламиз. Айни пайтда «TURKTIME!» шиори доирасида ҳамкорликни кенгайтиришда давом этамиз. Бунгача 40га яқин тадбир ўтказдик. Мамлакатларимиз ўртасида мулоқотнинг янги дастаклари пайдо бўлди. Булар ижтимоий сиёсат, ҳуқуқ-тартибот органлари, таълим, технология, инновациялар ва саноат каби соҳалардир. Шунингдек, сентябрь ойида Астана шаҳрида V Бутунжаҳон кўчманчилар ўйинлари ўтади. Бу – туркий олам маданиятини кенг тарғиб қилувчи муҳим тадбирдир. Фурсатдан фойдаланиб, қардош мамлакатлар спортчиларини қизиқарли мусобақада иштирок этишга таклиф қиламан, – деди Қозоғистон Президенти.

Давлат раҳбари дунёвий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш мамлакатимиз ташқи сиёсатининг асосий устувор йўналишларидан бири эканлигини алоҳида таъкидлаб, туркий халқи ҳамиша ҳамкорлик қилиши кераклигини таъкидлади.

– Бизнинг кучимиз – бирликда. Умуман олганда, ҳар қандай низо ёки зиддиятни ҳал қилишнинг ягона йўли бор. Бу амалий мулоқотдир. Бу борада раислигимиз доирасида "Медиация"га алоҳида эътибор қаратилмоқда. Озарбайжон ва Арманистон давлатлари ўртасида тинчлик ўрнатиш борасидаги ижобий мойилликни алоҳида таъкидламоқчиман. Тинчлик сари қадам босилганини мамнуният билан олқишлаймиз. Биз Боку ва Ереван ўртасидаги тинчлик музокаралари учун платформамизни таклиф қилишга доим тайёрмиз, – деди Қ. Тўқаев.

Президент дунёда сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар рўй бераётгани, бунинг натижасида бузилмасдек кўринган дунёвий хавфсизлик тизимининг парчалана бошлаганига эътибор қаратди.

(Давоми 2-бетда). ▶

ЯНГИ КУЧ, ЯНГИ ҲАРАКАТГА АЙЛАНАЁТГАН ТАДБИРКОРЛИК

Туркистон вилояти делегацияси Хитой Халқ Республикасининг Шенси вилояти, Вейнань шаҳрига хизмат сафари чоғида минтақадаги йирик саноат иншоотларида бўлди.

Тадбирларда вилоят ҳокими Дархан Сатибалди ва Қозоғистон Республикасининг Сиань шаҳридаги Бош консули Жўшихан Қираубаев раҳбарлигидаги делегация иштирок этишди. Ишчи гуруҳ ва туркистонлик ишбилармонлар Хитойдаги энг йирик ун ишлаб чиқарувчи "Wudli Group Weinan Flour Co" корхонаси фаолияти билан танишди. Корхонада кунига 70 минг тонна сифатли буғдой, йилига 27 миллион тонна ун ишлаб чиқарилади. 35 йиллик тарихга эга ишлаб чиқариш корхонаси дунёдаги етакчи ун ишлаб чиқарувчи компания ҳисобланади. 6 қаватли заводнинг электрон бошқарув марказини 4 киши бошқаради. Корхона давлат кўмагида ривожланиб, Швейцария билан стратегик ҳамкорликни йўлга қўйган.

Шунингдек, ташриф доирасида вилоят делегацияси махсари ёғи заводига ташриф буюрди. Корхонада бир кеча-кундузда 400 тонна, йилига 150 минг тонна махсари мойи ишлаб чиқарилади. Ишлаб чиқариш тўлиқ автоматлаштирилган. Ички бозорни мой маҳсулотлари билан таъминламоқда.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

Миллий қурултой қарорлари – ҳаётга!

Мутолаага муштоқ дилар байрами

ҚОЗОҒИСТОНДА МИЛЛИЙ КИТОБ КУНИ НИШОНЛАНАДИ

Ҳукумат қарорига кўра, 2025 йил, 23 апрель куни янги байрам нишонланади. Байрам санаси Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг жамиятда юксак китобхонлик маданиятини шакллантириш мақсадида учинчи миллий қурултойнинг асосий сессиясида берган топшириғининг ижроси сифатида пайдо бўлди.

Бунга қадар тегишли ҳужжат Қозоғистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги ташаббуси билан Ashyq порталида эълон қилинган эди.

"Жамиятда юксак китобхонлик маданиятини шакллантириш мақсадида 23 апрель – Миллий китоб куни байрамини байрамлар қаторига киритиш мақсадида лойиҳа ишлаб чиқилди", дейилади қарор лойиҳасида.

Ҳужжат 22 майга қадар жамоатчилик муҳокамасига тақдим этилган эди.

Қарор 2024 йил 16 июлдан кучга киради.

24.kz.

Президент

ОЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚАНДАЙ?

ДАВЛАТ РАҲБАРИ ТУРИЗМ ВА СПОРТ ВАЗИРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Қасим-Жўмарт Тўқаевга мамлакат спортчиларининг XXXIII ёзги Олимпия ўйинларига тайёргарлиги ҳақида ҳисобот берилди. Лицензия турнирлари натижалари ҳам маълум қилинди.

Вазирнинг сўзларига кўра, Қозоғистон терма жамоаси ушбу халқаро мусобақа учун 25 спорт тури бўйича 92та лицензияга эга. Парижда мамлакат шарафини жами 80 нафар спортчи ҳимоя қилади.

Ермек Маржиқпаев терма жамоанинг Олимпия ўйинлари олдидан ўтказаётган машғулотлари ва спортчиларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари ҳақида ахборот берди. Бундан ташқари, спортни бошқариш муассасалари фаолиятини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берди.

Давлат раҳбари Олимпия ўйинлари спортчилар зиммасига улкан масъулият юклашини таъкидлади. Шунингдек, Қозоғистон терма жамоаси маданиятли ва абжир спортчилари билан жаҳонда кўзга ташланиб туриши кераклигига эътибор қаратди.

ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҚАТОР ҚОНУНЛАРНИ ИМЗОЛАДИ

Давлат раҳбари "Қозоғистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қимор ўйинлари бизнеси, лотерея фаолияти, соғликни сақлаш, давлат меҳнат инспекцияси, давлат назорати ва қонун ҳужжатларини тартибга солиш масалалари бўйича ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунни имзолади.

Қонун одамларнинг қимор ўйинларига қарамлигини камайтиришга қаратилган чекловчи ва рағбатлантирувчи меъёрларини ўз ичига олади. Хусусан, қимор-пул тикиш ўйинларида иштирок этиши тақиқланган шахслар тоифалари рўйхати кенгайтирилди. Эндиликда уларнинг сафига қарздорларнинг ягона реестридаги (ижро иши юритилаётган қарздорлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган электрон маълумотлар банки) шахслар қўшилди. Шу билан бирга, уюшган жиноятчиликка қарши чекловларни жорий этиш орқали қимор ўйинларида иштирок этиш масъул давлат лавозимларини эгаллаган ваколатли шахслар ва уларга тенглаштирилган шахсларга нисбатан чекланади.

Бундан буён давлат хизматчилари, ҳарбий хизматчилар, махсус ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, бюджет ташкилотлари раҳбарлари қимор ўйинларида иштирок эта олмайди. Агар улар ушбу қоидага риоя қилишмаса, лавозимидан бўшатилади. Ўйин бизнеси ташкилотчилари фаолиятини тартибга солиш дастаклари мустаҳкамланди. Туризм ва спорт вазирлиги ўйин муассасалари, букмекерлар, тотализаторлар, гаровлар қабул қилиш ва қимор ўйинларининг ягона қоидаларини тасдиқлайди.

Қонун матни матбуотда эълон қилинади.

Шунингдек, Давлат раҳбари "Қозоғистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қозоғистон Республикаси Қонунини имзолади.

Қонун матни матбуотда эълон қилинади.

Akorda.kz.

ЙИЛ ОХИРИГАЧА 2000 ЧАҚИРИМДАН ЗИЁД ЙЎЛ ТЎЛОВЛИ БЎЛАДИ

Фақатгина республика автомобиль йўлларини таъмирлаш учун ҳар йили 80 миллиард тенге керак бўлади. Бу ҳақда Ҳукумат йиғилишида ҚР Транспорт вазири Марат Қарабаев маълум қилди.

– Республика аҳамиятига молик 25 минг чақирим йўлни таъмирлаш ва сақлаш учун 80 миллиард тенге зарур. Шу боис бюджетга ортиқча юк тушмаслиги учун тўловли йўлларни жорий этиш давом эттирилади. Бугунги кунда бундай йўлларнинг умумий узунлиги 3200 чақиримни ташкил этади. Ўтган йилнинг натижаларига кўра, бу йўллардан 30 миллиард тенге йиғилган, – деди у.

Вазир ушбу маблағлар йўлларни сақлаш, таъмирлаш ва ускуналар харид қилишга сарфланганини таъкидлади.

– Таъмирланган йўлларни меъёрий даражада сақлаш мақсадида жорий йилда умумий узунлиги 2 минг чақиримдан зиёд бўлган 11та участкани босқичма-босқич тўловли йўлга айлантириш режаланган, – деди Марат Қарабаев.

Вазирликнинг маълумотларига кўра, йўловчилардан тўлов олинадиган янги йўналишлар рўйхати қуйидагича:

Қизилўрда-Орол;
Ақтўбе-Ўринбўр;
Қўстанай-Троицк;
Қўстанай-Денисовка;
Ақтов-Бейнеу;
Қандиағаш-Мақат;
Балхаш-Бурилбайтал;
Бурилбайтал-Шу;
Ушарал-Дўстлик;
Қарағанди шаҳрини айланиб ўтиш;
Тараз шаҳрини айланиб ўтиш.

24.kz.

БИЗКИМ, МУЛКИ ТУРОН...

ҚР ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ НОРАСМИЙ САММИТИДА ҚАНДАЙ МАСАЛАЛАРНИ КЎТАРДИ?

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шу муносабат билан у Туркий давлатлар ташкилотини янада мустаҳкамлаш зарурлигини айтиб, ташкилотнинг келгусидаги фаолияти ва унинг устувор йўналишлари ҳақида ўз фикрларини билдирди.

– Туркий ташкилот мамлакатлари, қолаверса, бошқа давлатлар билан ҳам савдо ва транспорт ҳажмини ошириши зарур. Шу билан бирга, Транскаспий халқаро транспорт йўналиши имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш зарур. Бугунги кунда мазкур йўналиш бўйича контейнер ташиш ҳажми ўтган йилга нисбатан икки баравар ошди. Ташиш вақтини қисқартириш мақсадида «Digital Trade Corridor» мультимодал рақамли дастурини яратдик. Бу йўналишда Озарбайжон билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқдамиз. Ҳозирги пайтда икки томонлама темир йўл маъмуриятларини интеграциялаш якунланди. Бунинг самарасида ўтган йили ўрта йўлак орқали юк ташиш ҳажми 65 фоизга ошди, яъни салкам 3 миллион тоннага етди. Ақтов портидаги хаб контейнер ташиш ҳажмини 300 мингтага ошириш имконини беради. Порт Каспий денгизи соҳилидаги давлатлар ва Марказий Осиё давлатлари учун хизмат қилади, – деди Президент.

Қасим-Жўмарт Тўқаев туркий давлатларнинг иқтисодий ривожланиш имкониятлари ҳақидаги фикрларини илгари сурди.

– Иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш учун молия соҳасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш зарур. Шу билан бирга, Туркий давлатлар марказий банклари кенгашини тузиш керак. Умумтурк патент ташкилотини ташкил этишни ҳам таклиф қиламан. Бу йил Туркий сармоя жамғармаси бошқарув кенгашининг очилиш маросими ўтди. Унинг фаолияти иқтисодиёт ва молия-сармоя соҳасини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатади, деб ўйлайман, – деди Қозоғистон Президенти.

Давлат раҳбари навбатдаги муҳим йўналиш сифатида алоқа соҳасини қайд этди.

– Бугунги кунда Каспий денгизи остидан оптик толали кабель ётқизиш ишлари олиб борилмоқда. Бу ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий юксалишига ҳам шароит яратади. Сунъий заковат ва сунъий йўлдош тизимлари каби илғор технологиялар ҳам улкан имкониятларга эга. Биз сунъий заковат соҳасида кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратамиз. Шу билан бирга, махсус мактаблар тармоғини яратиш ниятидамиз. У дунёнинг етакчи компаниялари платформасига асосланади. Биз Марказий Осиёда IT стартаплар билан шуғулланувчи «Astana Hub» технопаркини яратдик. Барчангизни ушбу хаб салоҳиятидан фойдаланишга таклиф этаман, – деди Қ. Тўқаев.

Президент тамаддунимиз ва она тилимизни асраб-авайлаш масаласи мамлакатларимиз учун ғоят муҳим эканини таъкидлаб, сунъий заковат ёрдамида “Катта туркий тилли шакл”ни ишлаб чиқишни таклиф қилди.

Давлат раҳбарининг сўзларига кўра, иқлим ўзгаришини назорат қилиш жуда муҳим.

– Мутахассисларнинг таъкидлашича, дунёда ўртача ҳарорат Цельсий бўйича 1,5 даражага ошиши мумкин. Унинг эҳтимоли 80 фоиздан ошади. Яъни, иқлим билан боғлиқ мураккаб вазият юзага келади. Ер шарининг барча бурчакларида содир бўлаётган жазирама тўлқинлари, ўрмон ёнғинлари, қурғоқчилик ва тошқинлар бунинг ёрқин далилидир. Биз Туркий олам билан иқлим масаласида ҳамкорликни кучайтиришга тайёрмиз. Шу билан бирга, биз бу йил Озарбайжонда ўтадиган COP29 иқлим анжумани ишида фаол иштирок этишни режалаштирганмиз. Қозоғистон иқлим ўзгариши билан боғиқ мажбуриятларига масъулият билан ёндошади. 2026 йилда биз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида Минтақавий иқлим саммитини ўтказамиз. Саммит ишида Туркий биродарларимиз фаол иштирок этишига ишонаман, – деди Давлат раҳбари.

Қозоғистон Президенти Каспий ва Орол денгизидаги экологик муаммоларни ҳал этишда ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар зарурлигига эътибор қаратди.

– Биз Каспий денгизининг логистика салоҳиятини ошириш муҳимлигини айтдик. Лекин у ердаги экологик масалаларни ҳам четлаб ўтмаслик керак. Масалан, долзарб масалалардан бири денгиз сатҳининг тортилиши. Унинг атроф-муҳитини, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ҳам жуда муҳим вазифадир. Каспийни сақлаб қолиш учун аниқ ечимлар ишлаб чиқилиши керак. Айни пайтда туркий мамлакатлар олимлари ҳамкорлигини жонлантириш вақти келди. Бунинг учун Алматидаги Марказий Осиё экологик тадқиқот институти имкониятларидан кенг фойдаланиш зарур. Мен сизларни уни илмий ва техник нуқтаи назардан қўллаб-қувватлашга таклиф қиламан. Айни пайтда Орол денгизининг қуриб, чўлга айланиб бораётгани ташвишли муаммодир. Экологик офатдан зарар кўрган ҳудудни қайта тиклаш зарур. Шунинг учун Венгриядаги чўлларнинг олдини олиш институти билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйишни тавсия этаман. Бундан ташқари, трансчегаравий дарёларнинг сув захираларидан самарали фойдаланиш даркор. Бунинг учун сувни тежовчи технологиялардан кенг фойдаланиш зарур, – деди Қозоғистон Президенти.

Давлат раҳбари ўз нутқини якунлар экан, учрашув муҳим масалаларни ҳар томонлама муҳокама қилиш имконини берганини таъкидлаб, бундай тадбирлар туркий оламнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини ошириш, қардошлик ришталарини мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшишини таъкидлади.

Akorda.kz.

▼ Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати хабар қилади:

>>> Қозоғистон – Хитой

ҚАРДОШЛИК МЕМОРАНДУМИ ИМЗОЛАНДИ

Вилоят ҳокими Дархан Сатибалди раҳбарлигидаги расмий ва тадбиркорлардан иборат делегация Хитой Халқ Республикасининг Сиань шаҳрида ўтган қардош шаҳарларнинг ишбилармонлари иштирокидаги савдо-иқтисодиёт анжуманида иштирок этди. Тадбир доирасида икки мамлакатнинг 80дан зиёд корхона вакиллари ўртасида B2B шаклида иккитомонлама учрашувлар ўтди.

Бизнес-делегация таркибида таълим, соғликни сақлаш, IT, қурилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш соҳаларининг вакиллари бўлди. Юзма-юз учрашиб, тадбиркорликни бошлашга махсус тўпланган ишбилармонларга миннатдорчилик билдирган Дархан Амангелдиули бу каби учрашувлар янги лойиҳаларни амалга оширишга имкон беришини айтиб, икки мамлакатнинг иқтисодий ва тадбиркорлик ҳамкорлигига ижобий баҳо берди. Вилоят ҳокими сармоядорлар учун барча шароитлар яратилган Туркистон вилоятининг салоҳияти билан таништирди. Савдо муносабатларини ўрнатиб, сармоявий лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириш учун зарур қўллаб-қувватлаш чоралари кўрсатилишини маълум қилди. Ҳоким, нафақат, иқтисодиётни ривожлантириш, балки, маданият, сайёҳлик, таълим соҳасини ривожлантириш дастакларини ҳам ишга тушириш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Иккитомонлама учрашувлар натижасида қатор ҳужжатларга қўл қўйилди. Қўшма лойиҳалар орасида қишлоқ хўжалиги соҳасида фойдаланиладиган дронлар ишлаб чиқариш, халқаро мактаб барпо этиш, IT, қурилиш, мия касалликларини даволайдиган шифохона, қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган завод қуриш, рақамлаштириш орқали қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш, травертин ишлаб чиқариш бўйича келишилиб, меморандум имзоланди.

Вилоят ҳокими Дархан Сатибалди бошчилигидаги делегация иш сафарини Сиань шаҳрида давом эттирди. Буюк Ипак Йўлининг боши ҳисобланадиган Сиань шаҳри Хитойнинг маънавий ва маданий пойтахти ҳисобланади. Сафар давомида вилоят ҳокими Шэньси вилояти партия қўмитаси котиби Чжао Идэ билан учрашди. Унда икки вилоят орасида қардошлик муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги шартнома имзоланди.

– Президентимиз Қасим-Жўмарт Тўқаев ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин барча даражадаги алоқалар икки мамлакатнинг мустаҳкам дўстлиги ва тиғиз муносабатларига хизмат қилишини алоҳида таъкидлади. Бугунги кунда Қозоғистон иқтисодиётига жалб қилинган сармоялар бўйича Хитой кучли бешликка киради. Сўнгги 15 йилда унинг ҳажми 24 млрд. АҚШ долларига етди. Ўтган йилда Туркистон вилояти билан ўзаро товар айирбошлаш 149 млн. долларни ташкил қилди. Минтақаларо ҳамкорликнинг муҳимлигини таъкидлаб, сизлар билан тиғиз алоқа ўрнатишдан манфаатдормиз, – деди вилоят ҳокими Дархан Сатибалди.

Шэньси вилояти партия қўмитаси котиби Чжао Идэ Хитой Халқ Республикаси ва Қозоғистон орасидаги дўстлик ва иқтисодий ҳамкорлик юксак савияда экани, қозоқ халқига, қўшни давлатга ҳурмати баланд эканлигини таъкидлади.

>>> «Тоза Қозоғистон»

ҲАШАР – ЭЛГА ЯРАШАР

ТАБИАТ ЖОНКУЯРЛАРИ ХАЙРЛИ ИШЛАРГА ҲИССА ҚЎШДИЛАР

Бутун мамлакатда «Тоза Қозоғистон» тадбири ўтмоқда. Унинг доирасида вилоятимизда залворли ишлар амалга оширилмоқда.

Куни кеча вилоят табиий захиралар ва табиатдан фойдаланишни созлаш бошқармасига қарашли 7та муассаса ходимлари ушбу тадбирни қўллаб-қувватлаб, ўзларига ажратилган ҳудудни тозалашди.

Шу тариқа табиатни муҳофаза қилувчилар ва бошқарма ходимлари иштирокида тозалик куни ўтказилди.

Таъкидлаш жоизки, «Тоза Қозоғистон» экология тадбири доирасида минтақада тозалаш ишлари йил бўйи давом этади.

ЖЕТИСАЙЛИК ИМОМЛАР ЭКОТАДБИРДА ФАОЛ

«Тоза Қозоғистон» умуммиллий экология тадбири доирасида Жетисай тумани ҳудудидаги шаҳар, кент ва қишлоқларда оммавий шанбаликлар уюштирилиб, тозалаш ишлари фаол олиб борилмоқда.

Туман аҳолиси ўртасида кўчалар ва аҳоли манзилларининг тозалигини таъминлаш ишларида туман «Нуғман» марказий масжидининг имомлари ва жамоати иштирок этиб, масжид атрофидаги кўчалар, гулзорлар ва автотураргоҳини чиқинди ва бегона ўтлардан тозалашди.

Тадбир ташкилотчиларининг таъкидлашича, бу каби тадбирлар шу билан тўхтаб қолмай, ўн икки ой давом эттирилади.

ЁШ КАМОНЧИЛАР 11та МЕДАЛГА ЭГА БЎЛИШДИ

Ўскемен шаҳрида камондан отиш бўйича Қозоғистон чемпионати ниҳоясига етди. Ушбу мусобақада Қозоғистоннинг вилоятлари ва шаҳарларидан 300дан зиёд спортчи иштирок этди. Мусобақада Сайрам туманидаги 24-сонли М. Махажанов номидаги мактаб ўқувчилари ҳам мураббийлари билан биргаликда қатнашишди.

Вилоят миллий спорт турлари бўйича ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабида маҳоратини оширган сайрамлик ўқувчиларнинг омади чопди. Бундан ташқари, тўлебийлик мерганлар ҳам вилоят шарафини ҳимоя қилиб, қўш совринга эга бўлишди.

Ўскеменда том маънода жасорат кўрсатган туркистонлик ёш камончилар уч кун ичида 5та олтин, 4та кумуш, 4та бронза медалларини қўлга киритдилар.

Албатта, ҳар бир ютуқ ортида тажрибали мураббий – “Сайрам камондан ўқ отиш федерацияси”нинг президенти Махамбет Сатбаевнинг хизматлари бисёр.

Мусобақа натижаларига кўра, Қозоғистоннинг анъанавий спорт тури – камондан ўқ отиш бўйича олтин, кумуш ва бронза медалларини қўлга киритган вилоятимиз мамлакатнинг энг яхши жамоаси дея эътироф этилди.

Саховат

УНУТИЛМАС САФАР

Яқинда “Қозоқ ногиронлар жамияти” жамоат бирлашмасининг Сайрам туман бошланғич ташкилоти аъзолари учун Ўтрор тумани ва Туркистон шаҳрига саёҳат уюштирилди. Биз Арслонбоб ва Аҳмад Яссавий мақбараларига ташриф буюриб, муқаддас қадамжоларни зиёрат қилдик.

Ушбу унутилмас тадбирни ташкил этиш ташаббускорлари – таниқли тадбиркор А. Қуралов, Сайрам туман бандлик ва ижтимоий дастурлар бўлими раҳбари Н. Сарибеков, Сайрам туман касалхонасининг тиббий ёрдам сифати назорати раҳбари ўринбосари З. Ўспанова, туман полиция бўлими бошлиғи, полиция подполковниги М. Ермеков, шунингдек, транспорт билан таъминлаган «SBA Holding» МЧБ директори Ф. Мираҳмедов, ҳомийлар – туман бош имоми А. Ўспанов, вилоят маслаҳати депутати, “AMANAT” партияси фракцияси аъзоси Н. Жамалбеков, туман маслаҳати раиси Ш. Холмуродов, туман Жамоатчилик Кенгаши раиси М. Есалиев, Қорамурт, Манкент, Қорасув қишлоқлари ҳокимлари М. Нажиев, А. Саидмуродов, А. Бурбековларга самимий миннатдорчилик билдирамиз.

Саховатпеша ва танти ҳамюртларимизга мустаҳкам соғлик, келгуси ишларида муваффақият, омад тилаб қоламиз!

Тўлқинбек КАРИМШИҚОВ,
“Қозоқ ногиронлар жамияти” жамоат бирлашмасининг Сайрам туман бошланғич ташкилоти раиси.

Саломатлик посбонлари

«АҚ НИЕТ PLUS»: ЗАМОНАВИЙ ТИББИЁТ МАСКАНИ

Мамлакатимизда давлат тиббиёт муассасалари билан бирга кўплаб хусусий клиникалар ҳам фаолият юритмоқда. Дарҳақиқат, Сайрам туманининг Қорабулоқ қишлоғида жойлашган “Ақ ниет Plus” МЧБ аҳоли соғлигини таъминлаш борасида самарали хизмат кўрсатаётган муассасалардан.

Маҳаммаджон Жуманов (тасвирда) раҳбарлик қиладиган мазкур даргоҳда ўз ишига масъулият билан ёндошувчи, чуқур билими ва хушмуомаласи билан элга танилган, халқ орасида обрў-эътибор қозонган мутахассислар бисёр. Уларни чин маънода саломатлик посбонлари дейиш мумкин. Бугун ана шундай жонкуяр ва фидойи шифокорлар ҳақида ҳикоя қилишни жоиз топдик.

Таниқли шифокор Шаҳноза Қурбонова (тасвирда) Сайрам туманининг Қорабулоқ қишлоғида туғилган. У А. Музрапов номли ўрта мактабни тамомлагач, А. Яссавий номидаги ХҚТУда таҳсил олиб, “акушер-гинеколог” ихтисослигини эгаллади.

Шаҳноза Собиржон қизи меҳнат фаолиятини Оқсувкент қишлоғидаги туман марказий касалхонасининг туғруқхона бўлимида бошлаб, сўнг бирмунча муддат 2-сонли “Қорабулоқ” туман касалхонасида фаолият юритди. 2016 йилдан эса “Ақ ниет Plus” тиббиёт марказида хизмат қилмоқда.

Шаҳноза Қурбонова

Ш. Қурбонова турмуш ўртоғи билан беш фарзандни вояга етказмоқда. У ширинсўз, меҳрибон ва жонкуяр шифокор сифатида эл ҳурматига сазовор бўлган малакали мутахассисдир.

Таниқли шифокор Гулнора Мусаева (тасвирда) ҳам Қорабулоқ қишлоғида туғилган. У 3-сонли Ҳамза номли ўрта мактабни тамомлаб, 1991-1997 йилларда А. Яссавий номидаги ХҚТУнинг тиббиёт факультетида таҳсил олган.

2-сонли “Қорабулоқ” туман касалхонасида чорак аср меҳнат қилди. 2022 йилдан эса «Ақ ниет Plus» тиббиёт марказида умумий амалиёт шифокори ҳамда терапевт лавозимларида хизмат қилмоқда.

Умр йўлдоши билан тўрт нафар фарзандни вояга етказишмоқда.

Шифокорлар оиласида дунёга келган Азиза Жуманова (тасвирда) ҳаётини тиббиёт соҳасига бағишлаган, касбига содиқ ва фидойи мутахассис. У Киров номли ўрта мактабни кумуш медалга тамомлаб, 1991-1997 йилларда Тошкент тиббиёт институтида таҳсил олди.

Гулнора Мусаева

Азиза Жуманова

Меҳнат фаолиятини «Қорабулоқ» туман касалхонасида бошлаган Азиза Иристой қизи чорак аср мобайнида биринчи тоифали шифокор-лаборант вазифасида хизмат қилди. У ҳозирги кунда «Ақ ниет Plus» МЧБда фаолият юритмокда.

Малакали мутахассис беморга қандай таҳлил зарур бўлса, албатта, дарҳол муҳайё қилади. Болалар шифокори бўлиб ишлаган раҳматли дадаси Иристой отани ўзининг илк устози деб билади. Турмуш ўртоғи Алижон Саъдуллаев ҳам «Ақ ниет Plus» клиникасида кардиоревматолог вазифасида хизмат қилмоқда.

Қозоғистон эндокринолог шифокорлари ҳамжамияти аъзоси Шаҳноза Шокирова (тасвирда) Қорабулоқ қишлоғида туғилган. У дастлаб Улуғбек номли гимназия мактабида, сўнг Т. Рустамов номли мактабда ўқиб, 2011-2018 йилларда Қарағанди давлат тиббиёт университети, 2018-2020 йилларда Алмати шаҳридаги Қозоқ узлуксиз таълим тиббиёт университети резидентурасида таҳсил олди.

Шаҳноза Дониёр қизи меҳнат фаолиятини Алмати шаҳридаги “Medical Assistance Group” клиникасида бошлаган, сўнг Қўстанай вилоятининг Арқалиқ шаҳридаги кўп тармоқли минтақавий касалхонада давом эттирди. 2022 йилдан у “Ақ ниет Plus” тиббиёт марказида фаолият юритмоқда.

Шаҳноза Шокирова

Шаҳноза Шокирова элга таниқли зиёлилар оиласида вояга етган. Унинг эндокринолог шифокор бўлиб етишида падари бузруквори Абдурашид Тожиқул ўғли ва волидаси Дилором Талъат қизининг ҳиссаси беқиёс.

Инсон саломатлигини тиклашга бел боғлаган жонкуяр шифокорларнинг келгуси ишларига муваффақият ва омад тилаб қоламиз!

З. МЎМИНЖОНОВ.

ҲИКМАТНИНГ СЕРҲИКМАТ КУНЛАРИ

Сайрам даҳасида яшовчи Ҳикмат Одилов кўзлари ожиз бўлишига қарамай, тиниб-тинчимайди. Ўрта Осиё ҳофизларининг дарғаси Шерали Жўраевнинг таъзиясига Андижонга бориб келганининг ўзи бир жасорат. Яқинда Наманганда ўтган “Гуллар байрами”га бориб келганига нима дейсиз?

Биз билан суҳбатда галдаги режаси Иссиққўл сафари эканлигини айтганида ҳайратга тушиб, унга юзланганимизда, “теварак-атрофни, табиат гўзалликларини менинг қалбим кўради”, деди. Бу мураккаб сафар чоғларида унга қадрдон укаси, таниқли доирачи Ниёзмат Ирисметов беминнат ҳамроҳлик қилади. Биринчи гуруҳ ногирони Каромат Одилова билан умргузаронлик қилаётган Ҳикматжонга келгусида янада кўп жойларга зиёратга боришни тилаб қоламиз.

Аваз ҚЎЗИ.

Суратда: Ҳикмат Одилов ҳамроҳи Ниёзмат Ирисметов билан.

Янги Қозоғистон бунёдкорлари

А. ЯССАВИЙ НОМЛИ ЗАКОВАТ МАКТАБИДА

Қорачиқ қишлоғи марказида таниқли тадбиркор, доимий обуначимиз, “Парасат” ордени соҳиби Ҳабибулла Азимовнинг саъй-ҳаракатлари билан 900 ўринли замонавий мактаб барпо этилганлиги ҳақида газетамизда ёзган эдик.

Йил бошида вилоят ҳокими Дархан Сатибалди ушбу таълим масканига ташриф буюриб, унинг фаолияти билан танишган ҳамда Саврон тумани фаоллари билан учрашув ўтказган эди.

Қишлоққа навбатдаги сафаримиз чоғида заковат мактабининг 2500 квадрат метр майдонда барпо этилаётган кўламдор спорт мажмуаси билан танишдик. Таассуротлар – мўл. Зеро, турли спорт тадбирларига мўлжалланган жами олтита замонавий залда спортнинг 15 тури билан шуғулланиш имконияти яратилади. Футбол, волейбол, баскетбол, гандбол, гимнастика ва бошқа оммавий спорт ихлосмандлари учун барча қулайликлар муҳайё этилади.

– Қурилиш, жиҳозлаш ишлари шу йил Билимлар куни – 1 сентябрга қадар тўлиқ якунланади. Жорий йил А. Яссавий номидаги заковат мактабида ўқув машғулотлари бошланадиган тарихий йил бўлиши шубҳасиз. ҚР Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаев Қозоғистон халқига Мактубида долзарб вазифа сифатида белгиланган асосий мақсад – ёш авлоднинг билими, заковати, жисмоний камолоти ва порлоқ келажаги учун таълим масканида барча шароитлар муҳайёлигини ғурур билан таъкидлайман, – деди бунёдкор ҳомий Ҳабибулла Азимов.

Омад тилаймиз.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: А. Яссавий номидаги заковат мактаби ўқув биноси; Ҳ. Азимов спорт иншооти қурилиш майдонида.

Муаллиф тасвирлари.

Ёднома

ҲАЛИЛУЛЛА ОТАНИНГ НУРЛИ ХОТИРАСИ



Саврон тумани, Югнак қишлоқ округининг Чипон қишлоғидаги ёши улуғ фаол обуначиларимиздан Ҳалилулла Абдукарим ўғли 88 ёшида оламдан ўтганига ҳам бир ой бўлмоқда.

У 1936 йили 15 февралда Чипон қишлоғидаги Абдукарим ота ва Аяжон ая хонадонида дунёга келди. Умр йўлдоши, қаҳрамон она Фариза Жўрахон қизи билан қобил фарзандлар – Поччахон, Сайёра, Фотима, Зуҳра, Феруза, Санжар, Жонобилларни вояга етказиб, 22 невара ҳамда 26 чевара кўрган пири бадавлат оила соҳиби эди. Бошланғич мактабни Қорачиқ қишлоғида тамомлади. Суронли уруш йилларига қурилишида прораб бўлиб ишлади. 1956 йили ҳарбий-хизматга чақирилиб, 4 йил ҳарбий-денгиз флотида йигитлик бурчини ўтади. Сўнг Қарағанди шаҳридаги йирик спорт мажмуаси қурилишида ҳам прораблик қилди. 1963 йилдан, 18 йил Туркистондаги норуда материаллар комбинатида меҳнат фаолиятини давом эттирди. 1981 йили қадрдон қишлоғида почта бўлими очилишига ташаббускор бўлди. Нафақага чиққач, умрининг охиригача қишлоқ масжиди имоми сифатида ҳидоят йўлида холис хизмат қилди.

Бообрў нуроний отахон сиғатида муаммоли масалаларни тез ҳал қилиш фазилатига эга эди. Вилоят оқсоқоллар кенгаши раиси Ж. Азретбергеновнинг илтимосига кўра, қишлоққа жамоатчиликка оид нозик масала билан ташриф буюрганимда, "Шомирза, масала ҳал бўлди, деб ҳисоблайвер. Бу ёғини кўпчиликка бош бўлиб ўзим ҳал қиламан", деб, ваъдасининг устидан чиққан эди.

Жамоатчилик орасида ўзбек ва давлат тилларида бирдек равон гапирувчи нотиқлик фазилати ва билими билан ҳар қандай даврага файз киритишга қодир, хушчақчақ инсон эди. Буюк Ғалаба байрами кунларида, албатта, вилоят марказидаги Ғалаба истироҳат боғига қишлоқ фаоллари билан бирга ташриф буюриб, УВУ фахрийлари номи битилган мармар лавҳа пойида ўтган-тўғри келган болалик чоғидан суяги меҳнатда қотди.

Фрунзе тумани марказидаги мактаб-интернатдан сўнг Тошкент шаҳридаги қурилиш техникумини тамомлаб, Самарқанд вилоятидаги сув омбори ишлари бошқармасида ишлаб, 1980 йилдан Ҳалилулла ота Ҳ. Ҳ. Ҳ.

Заковатли миллат

УЛБЎБЕК – МАКТАБИМИЗ ФАХРИ!

Сўзоқ қишлоғидаги Нурмуҳаммад Болтабоев раҳбарлик қилаётган А. Навоий номли умумтаълим мактаби битирувчилари орасида ЯМТдан энг юқори кўрсаткичга эришган ва чуқур билимини намойиш этган фаол битирувчимиз Улбўбек Аминжон қизи фахримиз, ғуруримиз.

133 балл тўплашга эришган Улбўбек билими, тиришқоқлиги билан устозлари, хусусан, синф раҳбари, инглиз тили муаллимаси Индира Ушибаева ҳамда ота-онасининг ишончини оқлади.

Келажакда олий маълумотли муаллима бўлишга интилаётган Улбўбек Аминжон қизига омад ҳамда янги зафарлар тилаймиз.

Султонбой РЎЗИМАТОВ,
А. Навоий номли мактаб директори ўринбосари.

Тасвирда: Индира Ушибаева иқтидорли шогирди билан.

УЮШГАН ЖИНОЯТЧИЛИК – ЖАМИЯТ КУШАНДАСИ

Мустақил юртимиз иқтисодиётининг ривожланишига тўсиқ бўладиган, жамият муаммосига айланган масалаларнинг бири – уюшган жиноятчилик.

У – миллат хавфсизлиги ва юртимизнинг халқаро мақоми, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига нуқсон келтирадиган хавфли иллат. Шу боис унга қарши курашни фақат ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари зиммасига юкламай, барчамиз биргаликда курашишимиз керак.

Шу кунларда, Ўрдабоши тумани фаоллари ҳам "Уюшган жиноятчиликка қарши иш-ҳаракат" бўйича тарғибот ишларини мунтазам олиб бормоқда. Мазкур йўналишда амалга оширилаётган тадбирлардан бош мақсад – давлат органлари ва фуқаролик жамоат институтлари вазифасини мувофиқлаштиришнинг самарадорлигини ошириш, шу йўл билан ҳаётимизнинг барча соҳаларида уюшган жиноятчилик даражасини пасайтириш.

Жамият бўлиб мазкур иллатга қарши курашга барчангизни чорлайман!

Г. ТАЙТЕЛИЕВА,
Ўрдабоши туман Хотин-қизлар кенгашининг раисаси.

МАДҲИЯНИНГ ЮТУҒИ БИЛАН МАДҲИЯМИЗ ЯНГРАСИН

Жорий йил 17 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида кураш турларидан ўтаётган Осиё чемпионатида Қозоғистоннинг қизлар жамоаси олтита медални қўлга киритди. Совриндор – туркистонлик Мадҳия Усмонова (53 кг.вазн тоифасида гиламга чиқди) билан суҳбатимизни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

– Авваламбор, Туркистон номини яна бир бор тарих зарварақларига муҳрлашга лойиқ ютуқлар муборак ва бардавом бўлсин дейман. Кураш майдонига чиқишдан аввал қандай ҳис-туйғулар бўлди қалбингизда?

– Раҳмат, бу ютуқ – нафақат қадрдон қишлоғим, балки, мустақил мамлакатимизники деб биламан. Майдонга чиқишдан аввал ўзимга ишонч туйғуси билан ҳар сафардагидек устозларимга бир қараб қўйдим. Уларнинг ҳар бир сўзи, олқишлари ва мендан кутган умидлари улкан рағбат беради.

– Устозларингиз ва Осиё чемпионатига тайёргарлик жараёни ҳақида қисқача тўхталсангиз.

– Болалигимдан мени тарбиялаб, спортда шу даражага эришишимга сабаб бўлган устозим – Хислат Мамметовдир. Шунингдек, бир неча йиллар давомида Алмати, Туркистон спорт мактабларида таълим олдим. Осиё чемпионатига боришдан аввал ҳам, биз устозлар талаблари билан тайёргарлик, машқларни мунтазам равишда бажаришга ҳаракат қиламиз.

– Осиё чемпионатида иштирок этишнинг ўзи спортчидан оз меҳнат талаб қилмайди, шундай эмасми?

– Бундан ҳам юксак чўққиларни кўзлаган эдим. Шоҳсупадан тушмай турибоқ, йўл қўйган хатоларимни хаёлимдан ўтказдим ва келгусида уларни такрорламасликка, янада тинимсиз меҳнат қилишга ўзимга сўз бердим. Ҳамқишлоқларим қўллаб-қувватлаши, онамнинг дуолари, устозларимнинг ўгитлари бор экан, янада юксак чўққиларни забт этиш, халқим ва давлатим ишончини оқлашга интилишда давом этавераман.

– Ҳамюртларимизга тилакларингиз.

– Айни кунларда Иордания давлатида ўтаётган жаҳон чемпионатига тайёргарлик кўряпмиз. Сўзим якунида шуни қайд этмоқчи эдимки, бу сафарлар, бу ютуқлар давомида қўллаб-қувватлаётган эл-юрт фидойилари: Раҳматжон Абдусатторов ва Маъмурхон Йўлдошевларга миннатдорчилик билдираман. Спорт соҳасидаги барча тенгдошларимга ҳам омадлар тилаб қоламан.

– Эзгу тилакларингиз учун ташаккур! Омад ёр бўлсин! Мадҳиянинг ютуғи билан Мадҳиямиз янграшига тилакдошмиз.

Ирода МУҲАММАДЖОНОВА суҳбатлашди.

МИРИШКОР КЕЛЕСЛИКЛАР ЮТУҒИ

Келес туманининг Биртилек қишлоқ округига қарашли Чуқурсой қишлоғида қарийб 3000 одам истиқомат қилади. Қишлоқ кичик бўлишига қарамай, бу ердаги анчагина қаҳрамонларимиз эзгу ишлари билан танилган. Бу гал чуқурсойликларнинг миришкорликдаги баракали меҳнатига тўхталамиз.

Маҳалла бийи, туман фаоли Ёндош Абдуқодировнинг айтишича, аҳолининг аксарияти деҳқончилик ва тадбиркорлик билан шуғулланади. Деҳқон хўжаликлари раҳбарлари далаларда етиштирган маҳсулотларини йиғиб-териш билан банд, Қувонарлиси, бугун деҳқон машаққат билан етиштирган маҳсулотига харидор излаб, овора бўлмайди. Харидорнинг ўзи деҳқонни излаб келади – маҳсулотлар ҳам рақобатбардош, ҳам харидоргир. Серобчилик мавсуми ушбу қишлоққа ҳам аллақачон кириб келган.

***

Мирзаҳмад Ризқибоев раҳбарлик қилаётган "Мухтор" деҳқон хўжалигида ишлар қизғин. 1993 йилдан буён деҳқончилик билан шуғулланаётган ҳамюртимиз 4 гектар майдонга картошка, сабзи ва пиёз уруғини қадаган. Баракали ҳосил йиғишни ният қилиб, йиғим-терим ишларини бошлаб юборган.

– Йилига икки марта ҳосил оламиз, – дейди М. Ризқибоев. – Картошка қазиб олиш ишлари давом этмоқда. Бу ишни тугатгач, булғори қалампири экишни бошлаймиз. Картошкамизга харидор топилди. Чуқурсой маҳсулотлари Россиянинг Новосибирск ҳамда Москва вилоятлари аҳолисига етказиб берилади. Бир мавсумда гектаридан 1-2 млн. тенге даромад кўрамиз. Умр йўлдошим, беш нафар фарзандимиз билан пудрат асосида фаолият юритяпмиз. "Аризона" навли картошкамиз 1 гектаридан 40-50 тонна ҳосил беради. Маҳсулотни йиғиб-териб олганимиздан сўнг, булғори қалампирини экишни бошлаб юборамиз. Деярли бутун қишлоғимиз деҳқонлари қалампир етиштиришади. Бундан ташқари 1,5 гектарга сабзи, 0,3 гектар майдонга эса пиёз экдик. Афсуски, жорий йилда пиёз ҳаддан зиёд кўп экилганлиги боис савдоси юришмаяпти.

***

Қишлоқда меҳнат қилиш баробарида соғлом турмуш тарзи кун тартибида эканлиги бизни қувонтирди. Бу ердаги ўйингоҳ аҳолига беминнат хизмат қилаётганидан қишлоқ аҳли мамнун.

– Оғир иш кунидан сўнг ҳордиқ чиқарадиган жой, чойхона, гузар эмас – ўйингоҳ, – дейди қишлоқ бийи ўринбосари Мақсудали Марасилов. – У кичикроқ бўлса ҳам, бемалол футбол ўйнаш имкони бор. Унда 50-75 ёш оралиғидаги ҳамқишлоқларимиз билан футбол ўйнаймиз. Душанба, жума кунлари бу ерда 50 ёшдан ошган ҳамюртларимиз спорт билан шуғулланади. Ҳордиқ кунлари 4та жамоа ўртасида ўйинлар ўтказилади. "Оққўрғон", "Қир", "Қилтўғон", "Чуқурсой" жамоалари беллашишади. Ёш авлод кекса авлод вакилларидан ҳам меҳнат қилиш, ҳам даромад кўришни ўрганиш баробарида, саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзига риоя қилиб, яшаш давримизнинг муҳим талабларидан бири эканлигини ўрганади ва биз, кекса авлод вакиллари бу ишда уларга ўрнак вазифасини ўтай олсак, бундан мамнунмиз.

Туман маркази – Абай қишлоғидаги спорт мактабида боксдан мураббийлик қилаётган Неъматулла Қурбонбоев ҳам ушбу ғояни маъқуллади. Унинг айтишича, 1-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактабида 300 бола бокс машғулотларида иштирок этишмоқда. 10 ёшдан 16 ёшгача болалар Амангелди, Чуқурсой қишлоқларидан қатнаб, машғулотларини таътил пайтида ҳам давом эттиришмоқда.

***

Чуқурсой қишлоғидаги Маматали Кенжатой жорий йилда томорқасида – 10 сўтих ердан сабзи, картошка йиғиб олибди. Томорқага анъанага кўра, булғор қалампирини экишни бошлаб юборишди. Сабзининг "Кентон", картошканинг "Аризона" навини Россияга олиб бориб, сотишади. Харидор излаб сарсон бўлмайдиган деҳқон бундай имкониятлардан мамнун. Томорқасидан ташқари даласидаги 50 сўтих ерга булғор қалампири, қизил лавлаги, 30 сўтих картошка эккан, 50 сўтих ерда пиёз ҳам етиштирди. Оилавий деҳқончилик ишлари авжида. Меҳнатидан баракали ҳосил кўтараётган деҳқонлар ишларига барака тилаймиз.

***

Чуқурсой қишлоғининг бийи Ёндош Абдуқодиров ҳамюртларининг ижтимоий масалаларини ҳал қилиш борасида фаоллик кўрсатиш билан биргаликда миришкорликда ҳам намунали бўлаётган оқсоқолларимиздан.

У меҳнат фаолиятини Чапаев номидаги жамоа хўжалигида ишчиликдан бошлаган. 1987 йилда бригадир этиб сайланган. "Абдуқодир", "Раҳима" деҳқон хўжаликларини ташкил этиб, 4 гектар ерда картошка, сабзи, маккажўхори, пиёз, булғор қалампирини етиштиришмоқда. 6 фарзанд, неваралар оилавий хўжалик ишларида фаол.

Ишончимиз комилки, Келес туманида фидойи, саховатпеша ишлари билан юртнинг хайрли кунлари учун хизмат қилаётган ҳамюртларимиз ҳақидаги туркум мақолаларимиз газетамиз саҳифаларида кўркига кўрк қўшади.

М. САЪДУЛЛАЕВА.

Таҳририятга мактуб

ЯХШИ ДАМ – МЕҲНАТГА ҲАМДАМ

Таҳририятга бир гуруҳ мактаб ўқитувчилари ва ўқувчилардан мактуб келди. А. Байтурсинов номли умумий ўрта мактаби ўқув йилини муваффақиятли тамомлаган ўқитувчилар ва ўқувчилар учун маъмурият томонидан мароқли саёҳатлар уюштирилди.

Ушбу ташаббус ва тақдим этилган ҳордиқ учун таъсисчимиз Низомхон Сулаймоновга ота-оналар, ўқувчилар ҳамда ўқитувчилар номидан миннатдорчилик билдирамиз.

Ахмет Байтурсинов номли мактаб фаолиятига атиги бир йил тўлди. Йил давомида 40та синф ўқувчилари навбати билан Туркистон шаҳрига саёҳат қилиб қайтдилар. Шунингдек, турли танлов ва фан олимпиадалари ҳамда мактабда жорий этилган "Алтын ереже" дафтари натижасига кўра, совринли ўринларга эга бўлган 26 нафар 6-синф ўқувчилари, 12 нафар ота-она ҳамда 15 нафар ўқитувчилар азим Самарқанд шаҳрига жўнаб кетса, 9-синф ўқувчилари ва 18 нафар муаллимлар Алмати шаҳрида бўлиб, "Шимбулақ" ва "Кўктўбе" дам олиш масканларида ҳордиқ чиқариб қайтдилар.

Мароқли ва мазмунли саёҳатлардан бир олам таассуротлар билан қайтдик. "Яхши дам – меҳнатга ҳамдам", деганларидек, янги ўқув йилида янада улкан билим довонларини эгаллашга замин яратилди, десак муболаға бўлмайди.

Қадрли Низомхон Сулаймон ўғли, сиз каби фидойи маърифатпарвар инсон билан фахрланамиз. Ватанимизнинг порлоқ келажаги йўлида хизмат қилиб, ёшларга сифатли таълим-тарбия бериш – бизнинг бурчимиз. Атрофимизда ҳамиша қадрли ва садоқатли, фидойи ва меҳрибон инсонлар борлиги билан фахрланамиз. Шундай гўзал замонда дуоларингиз ва эзгу тилакларингиз билан яқинларингиз ардоғида бўлиб, соғу саломат юраверинг. Ёшлар сизнинг ишончингизни албатта, оқлайди. Эътибор, эътироф ва рағбат учун ташаккур!

Мактаб жамоаси ҳамда ота-оналар номидан Шоира ТОИРОВА.

Директор – Бош муҳаррир учун Муроджон АБУБАКИРОВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари: **Муроджон АБУБАКИРОВ. Авазхон БЎРОНБОЕВ.**

Масъул котиба – **Шаҳноза УСМОНОВА.**

Масъул шахслар:
Туркистон, Саврон – **Шомирза МАДАЛИЕВ.** +7701-610-51-22.
Кентов, Сўзоқ – **Рўзиохун МАДАЛИЕВ.** +7708-824-20-97.
Тўлебий – **Баҳорой ДЎСМАТОВА.** 8(72547) 6-07-16.
Қазиғурт – **Хуршид ҚЎЧҚОРОВ.** +7701-447-37-42.
Сайрам – **Зокиржон МЎМИНЖОНОВ.** +7702-278-96-90
Тулкибош – **Мунира САЪДУЛЛАЕВА.** +7747-144-60-71.
Жетисай, Мақтарал – **Мухтабар УСМОНОВА.** +7701-257-36-97
Келес, Сариоғоч – **Малика ЭЛТОЕВА.** +7702-841-78-82

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – «Жанубий Қозоғистон» вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти» масъулияти чекланган биродарлиги.

● *Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.*
● *Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.*

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олиниб, KZ34VPY00022503 гувоҳнома берилган.

«ERNUR-print» МЧБ босмахонасида чоп этилди, Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.

Қозоғистон Республикасида тарқатилади.

МАНЗИЛИМИЗ:
160000, Шимкент шаҳри,
Тауке хан шоҳкўчаси, 6-уй, 3-қават.
Телефон: 53-07-10. Телефакс: 53-04-66.
Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсаткичи – 65466. Адади – 11200 нусха.

Буюртма: 1677.

Навбатчи муҳаррир: Наргиза МАВЛОНОВА.